Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 80 (5. 971) • 1986 йил 7 апрель, душанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз

19 апрель— Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР

XXVII ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК ШАРАФИГА

### Тежалган хом ашё билан

Чинни заводи коллективи шу кунларда ҳар куни савдо тармоқларига 38— 39-минг сўмлик юқори сифатли буюмлар етказиб бериб, белгиланган ойлик топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этяпти. Бу ерда тайёрланаётган ранго-ранг лаганлар, косалар ва чойнакларни харидорлар суюб харид қилишяпти.

Чиннисозлар В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига ташкил этиладиган «қизил шанбалик»да одатдагидан юқори суръат билан ишлашни мақсад қилиб қуйишди. Шу куни бу ерда 46 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Бошқача қилиб айтганда, кунлик топшириқ 125 процентга етказиб адо этилади. Энг муҳими эса бу маҳсулотнинг 50 проценти тежалган хом ашё, материаллар ва электр қуввати билан ишлаб чиқарилади. Ана шунинг учун ҳам коллектив ҳозир тежамкорлик режимига қатъий амал қилган ҳолда меҳнат қилмоқда, шанбалик кунида жадал меҳнат суръатини таъминлайдиган қўшимча резерв ва имкониятларни ишга солмоқда.

— Меҳнат байрамида бундан ташқари катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам амалга оширишни режалаштиряпмиз,— деди завод касаба союз комитети раиси И. Орипов биз билан суҳбатда. — Бу иш билан инженер-техник ходимлар ва ёрдамчи ишчилар шуғулланади. Улар ариқларни тозалашади, дов-дарахтларни бутаб, оқлашади. Завод территориясини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозалашади. Юз тупдан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари ўтқазишади.

Чиннисозлар шанбалик куни тушган 7 минг сўм иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишади.

### Анъанага садоқат

Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги таклифини шаҳримиздаги 141-автотранспорт корхонаси шофёрлари ҳам биринчилар қаторида қўллаб-қувватлашган эди. Шу кунларда коллектив меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. «Қизил шанбалик»да айниқса корхона ветеранлари ва ўн биринчи беш йиллик илғорлари намуна кўрсатиб ишлашмоқчи.

Корхонанинг 225 ҳайдовчиси ва авторемонтчилари шанбалик кунида белгиланган вақтда ўз иш жойларини эгаллайдилар. Шу куни улар юксак унум билан ишлашади ва машиналар ремонтини аъло сифатга бажаришади. Ҳайдовчилар шанбалик кунида 17 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ўз жойларига етказиб берадилар. Шу куни ишлаб топилган 11 минг сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади Шунингдек 2 тонна бензин, 4,5 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилиб қолинади.

Бригада пудрати методи асосида ишлаётган корхонанинг Александр Казаков, Маҳмуд Абдуллаев, Юсуф Орипов сингари пешқадам бригада аъзолари шанбалик кунида кундалик план-топшириқларини икки ҳисса ортиғи билан адо этадилар.



Тошкент экскаватор заводининг 1-цехи коллективи шу кунларда меҳнат кўтаринкилигини ҳар қачонгидан ошириб ишлашмоқда. Цех ишчилари социалистик мусобақани кун сайин авж олдириб, эришаётган ютуқларини янада кўпайтиришга ҳаракат қилишяпти.

СУРАТДА: илғор ишчи Ҳамидулла Абдуллаев (ўртада), унинг шогирдлари Аҳмаджон Қурбонов ва Зокир Жуманазаровлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Идеология ва ҳаёт

### Жанговарлик ошади

КПСС XXVII съездида қўйилган катта ва мураккаб вазифалар бошланғич партия ташкилотларидан ташкилотчилик, идеологик ва оммавий-сиёсий ишларни янгича босқичга кўтаришни талаб этади. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ва ташаббускорлигини ошириш жуда муҳимдир. «Ташсельмаш» заводи партия ташкилотларида жанговарлик кўриги қуйи партия ташкилотларида ижодкорлик, талабчанлик ва ўз-ўзини танқид муҳитини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этяпти. Коммунистлар билан ўтказилган суҳбатлар, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётидаги ишларига характеристикаларни тасдиқлаш коммунистларнинг активлигини оширишда, ўз зиммасига юклатилган масъулиятни ҳис этишда катта роль ўйнамоқда.

Айниқса 1-қуюв цехи ва 2-цехда жанговарлик кўриги ҳозирги талаблар даражасида ўтди. Коммунистлардан Исмоил Раҳимов, Исроил Алланов ва бошқалар ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат ҳаётида ҳам кўпчиликка намуна бўлишяпти. Ҳамма жойда жанговар иш услубини қарор топтириш завод партия комитетининг энг асосий вазифасидир.

### Коммунистлар етакчилигида

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан коммунистлар бошчилигида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг актив тайёргарлик кўришига эришмоқда. Шанбалик штабининг иш планлари кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Шу кунларда ана шу план асосида корхонанинг барча цех ва бўлимларида изчил иш олиб боришляпти.

Шанбалик куни жами 135 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, планга қўшимча ўнлаб қишлоқ хўжалик машиналари — чигит экиш сеялкалари, гербецидлар солишга мўлжалланган сеялкалар, кўплаб эҳтиёт қисмлар, кенг истеъмол моллари тайёрлаш мўлжалланган. Коммунистлар, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ғайрат-шижоати кўтаринки. Улар қишлоқ хўжалик механизаторларини серунум ва аъло сифатли машиналар билан қувонтириш учун барча ички имконият ва резервларни ишга солмоқдалар. Коммунистлар етакчилигида ҳамма коммунистик шанбаликда якдиллик билан қатнашишга аҳд қилган.

### Вақтдан ўзиб

Агрегат заводи коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқда. Айниқса корхонанинг Р. Шокиров раҳбарлик қилаётган 1-механика-йиғув цехи ишчилари жадал суръат билан ишлашяпти. Бу цех азаматлари биринчи квартал топшириғини 110 процент қилиб адо этишди.

Цехда «Чирчиксельмаш», «Узбексельмаш», «Ташхимсельмаш», «Ташсельмаш» каби машинасозлик саноати корхоналарида тайёрланаётган техника воситалари учун редукторлар ишлаб чиқарилади. Цех ишчилари мижозлар олдида уялиб қолмаслик учун бутун имкониятларини ишга солишяпти. Натижада ҳар сменада 70—80 тага етказиб редуктор тайёрлаш мумкин бўляпти. Бу топшириқда белгиланганидан анча ортиқдир.

Цехда ишчилар ўртасида давом этаётган социалистик мусобақада Ф. Одилов, Н. Ҳамдамов, Н . Гаджиев, Э. Шавкатов сингари илғорлар пешқадамлик қилишяпти. Бу ишчиларнинг меҳнат календарида бугунги кунда 1986 йилнинг ноябрь ойи давом этмоқда.

## Замондошимиз



Ҳаёт қизиқ. Агар бир тасодиф бўлмаса Холида Тожибоева балки бу корхонада ишламасди. У ёшлигида врач бўлишни орзу қиларди. То камолга етиб мактабни битиргунча шу орзу оғушида яшади. 10-синфни тугаллаб ҳужжатларини Тошкент Медицина институтига топширди. Имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрди. Бироқ қизнинг омади юришмади. Химиядан йиқилди.

«Химия билан боғлиқ бирон муассаса ёки корхонада ишласам балки бу фанни чуқурроқ ўзлаштириб олишимга ёрдам берар». Мана шу ният уни Тошкентдаги химия-фармацевтика заводига ишга етаклади.

Дастлабки қийинчиликлардан чўчимади. Касбга меҳр қўйди. Билмаганини тажрибали ишчилардан ўрганди. Шу-шу корхона унинг иккинчи уйига, коллектив унинг энг яқин қадрдонига айланиб қолди.

У бўлажак имтиҳонга ҳам пухта тайёрлана бошлади. Лекин ёз яқинлашган сари Холиданинг юраги увишар, азиз бўлиб қолган корхонаси ва меҳрибон дугоналарини ташлаб кетгиси келмасди. «Яна бир йил ишлаб, кейин ўқишга бораман». Хаёлига келган тасодифий фикрдан унинг ўзи қувониб кетди. Гўё ҳозир қиз ўз олдида турган оғир бир муаммони ечгандек ўзини енгил ҳис этди.

Йиллар ўтган сари Ҳолида корхонадан ўз ўрнини топиб боради. Бора-бора у заводнинг ҳақиқий ишчисига айланди. Ўз ҳаётини корхона фаолияти билан мустаҳкам боғлади.

Ишлади. Меҳнатдан чарчамади. Меҳнат унга чинакам бахт келтирди. Орадан ўтган 27 йил давомида Холида корхонанинг ҳурматга сазовор ва пешқадам ишчиларидан бирига айланди. Коммунист бўлди. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни қўлга киритди. Оддий ишчидан мастерлик даражасига кўтарилди. Ҳозир у Ленин район партия комитетининг аъзоси.

СУРАТДА: КПСС аъзоси Ҳолида Тожибоева.

Т. Каримов фотоси.

### Ўрта Осиёда ягона

Ўзидан ёқимли куй ва наво таратиб, созандалар қўлида моҳирона ижро этилаётган миллий чолғу асбоблари ўз нафис ясалиши билан ҳам ажралиб туради. Халқ усталари томонидан бу хил асбобларни сайқал бериб ясаш катта санъатдир.

Бу соҳада моҳир усталардан бири М. Юнусов ҳам бой тажрибага эга. У қатор бежирим созларни ясашга муваффақ бўлди. Ана шу маҳоратни ёшлар билан баҳам кўриш мақсадида ёш техниклар Марказий станциясида музика асбобларини тайёрлаш тўгарагини очишга бош қўшди.

Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган мазкур тўгаракка ҳозир 50 га яқин техниканинг ёш дўстлари актив қатнашмоқда. Устоз М. Юнусов раҳбарлигида улар ўзбек миллий чолғу асбоблари намуналарини ясаш билан бирга турли хил эсдалик совғаларини ҳам тайёрламоқдалар.

### Диагностика яхшиланади

Медицинада илмий-техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш янада кенг йўлга қўйилмоқда.

Муолажанинг тўғри олиб борилиши диагностиканинг аниқ бўлишига боғлиқ. Бу ўринда шифокорга диагностик аппаратлар самарали ёрдам беради.

Кейинги пайтларда рентген-диагностика тезлик билан ривожланмоқда. Олимлар рентген нурларининг янги-янги имкониятларини кашф этмоқдалар.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига қарашли кўп тармоқли болалар шифохонасида Германия Демократик Республикасидан келтирилган «ТУР-Д-800» рентген диагностика аппарати ишга туширилди. Янги аппарат аввалгиларидан кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради. Бу қурилмада деярли ҳамма рентген кузатувларини ўтказиш имконияти бор. Тасвирлар ниҳоятда аниқ. Хонани қоронғилатишнинг ҳам ҳожати йўқ. Кузатувлар ёруғ хонада ўтказилади.

Яқин кунларда Венгрия Халқ Республикасидан келтирилган «ЕДР-750» рентген аппарати институтнинг рентген-радиология кафедрасига ўрнатилади. Бу замонавий медицина анжомлари клиникалар ишини яхшилаш билан бир қаторда бўлғуси шифокорлар билимини оширишда ҳам ёрдам беради.

Д. СУЛТОНОВА.

### Янги лекторий

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчи-профессорлар коллективи қатор корхона, колхоз ва совхозлар билан яқин ижодий алоқа боғлаган. Пойтахт областининг Калинин районидаги «Рассвет» совхози ишчилари ҳам олий музика мактаби коллективининг ҳимматидан мамнун.

Консерватория педагог ва студентлари яқинда яна бир ташаббус билан чиқдилар. Улар бу хўжаликда музикали лекторий очиш тараддудини кўришмоқда. Янги лекторий орқали ўзбек, рус ва жаҳон композиторлари ижодига бағишланган машғулотларни ташкил этиш, лекция-концертларни уюштириш ҳам кўзда тутилди.

### Ўзбекистон меҳмонлари

Нидерландия Парламенти иккинчи палатаси ташқи ишлар доимий комиссиясининг раиси Р. Тер Беек Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. У СССР парламент группасининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

5 апрель куни олий мартабали меҳмон Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди. Самимий, дўстона суҳбат чоғида унга республика Совет ҳокимияти йиллари мобайнида экономика, фан, маданият соҳасида эришган ютуқлар тўғрисида гапириб беришди.

Нидерландиялик олий мартабали меҳмон шу куни Самарқандга жўнаб кетди. Р. Тер Беек республика билан танишиб чиқмоқда.

* * *

Финляндия мастерлари ва қурувчи-прораблари Касаба союз бирлашмасининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатига, 12-шаҳар махсус ҳунар-техника билим юртига, Ангрендаги «Узбекшахтострой» трестига бордилар, республика пойтахти ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Делегация Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи республика комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

### Шартнома асосида

«Узколхозспецстрой» тресги шаҳримиздаги 240-ўрта мактабни ҳам ўз оталиғига олган. Корхонанинг ёрдами билан билим ўчоғида мактаб таълими билан боғлиқ қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Касб ва ҳунарларни севиб ўрганаётган меҳнатсевар ўқувчилар коллективи трест мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқариш буюртмаларини бажаришга ҳам киришди. Ёшлар бунгача ишчи қўлқоплари ва абразив саноат асбоб-ускуналари учун қопламалар тайёрлаш борасида тажриба орттирган эдилар. Ўтган йилнинг ўзида ўқувчилар қўли билан 70 минг сўмлик шу хил моллар ишлаб чиқарилди.

Бу йил эса мактаб ўзаро шартномага кўра 112 минг сўмлик маҳсулот ҳозирлайди. Бундай шартнома «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси, абразив комбинати билан ҳам тузилди.

### Илмий ҳамкорлик

Экспериментал автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси коллективи КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, шу кунларда социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқда. Корхона коллективи йилнинг биринчи квартали план-топшириқларини ошиғи билан бажариб, уч ой давомида 75 минг сўм даромад олди. Ҳозирги кунда корхонанинг 800 та машинасидан 400 таси газ билан юради. Бу — квартал давомида 630 тоннадан зиёд бензинни тежаш имконини берди. Квартал давомида меҳнат унумдорлиги плани 100,7 процентга ошириб бажарилди.

Ҳозирги кунда корхонада йил охиригача яна 200 та машинани экспериментал ишлаб чиқаришга ўтказиш учун тайёргарлик қизғин бормоқда. Бунга Горький автомобиль заводи, Заволжье мотор заводи, Рязань автомобиль аппаратуралари заводи коллективлари билан олиб борилаётган илмий-техник ҳамкорлик катта ёрдам бермоқда.

Корхона ҳайдовчилари ўзаро социалистик мусобақани ҳам авж олдиришган. Мусобақада бригада методи асосида ишлаётган В. Тугов ҳамда А. Санников бригадалари пешқадамлик қилишяпти. М. Мираҳмедов бошлиқ бригада ҳайдовчилари ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қилишяпти.

### Завқли учрашув

Ишчи ва хизматчилар ишдан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳаваскорлар концертлари, қизиқарли викториналар, дискотека ўйинлари ва бошқа тадбирлар ишчиларга завқ бермоқда.

Куни кеча санъаткорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тошкент Давлат рус оперетта театри артистлари меҳнат аҳли ҳузурида санъатларини намойиш қилдилар. Унда санъаткорлар «Сильва», «Малиновкада тўй», В. Шукшин асарлари бўйича саҳналаштирилган «Ширин мевалар» спектаклларидан парчалар кўрсатилди. Клубга йиғилган мухлислар санъаткорларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлдилар. Айниқса театрнинг ёш талантли актёри Сергей Жданов маҳорат билан ижро этган ҳаётий персонажлар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

А. БАҲОДИРОВ.

### Фахрли ном

14-троллейбус маршрутини ҳайдовчилар «шаҳар белбоғи»га қиёслашади. Бу маршрут Аэропорт— Беруний майдони —метронинг «Пахтакор» станцияси — Олой бозори оралиғида йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Авариясиз юрувчилар устаси Михаил Облишук бу маршрут га бошлиқ этиб тайинланди. Ташаббускор бригадир йўловчилар ташиш ҳажмини ўстиришда ижодий изланди, машиналарнинг кундалик ишлаш вақтини 11,5 соатга чиқарди. Собиржон Азимов, Илёсжон Рўзиев, Зинаида Новикова каби моҳир ҳайдовчилар ҳаракат маромига қатъий амал қилган ҳолда ҳар куни 250— 280 километр йўлни хатарсиз босиб ўтишга муваффақ бўлмоқдалар.

Турли миллат вакилларидан иборат аҳил коллективга «Аҳолига намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» фахрли номи берилиши ҳайдовчиларни янги ютуқлар сари илҳомлантирмоқда. Руль соҳибкорлари ҳар сменада 11—12 рейс бажариб аҳолига янада юксак намунали хизмат кўрсатишга интилмоқдалар.

## ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ ВАРШАВА.

Тўрт ой давом этган қишки танаффусдан кейин халқ Польшасининг энг йирик сув транспорт йўли — Одра дарёсида кемалар қатнови бошланди. Кемалар дарёнинг манбаидан мансабигача, яъни Гливиц шаҳридан то Шециндаги порт комплексигача қатнамоқда. Мовий дарё йўли бўйлаб Силезия кўмири, қурилиш материаллари, минерал хом ашё, металлургия заводлари учун маъдан ортилган баржалар карвони йўлга тушди. Дарё флотида турли хилдаги 300 га яқин катта ва кичик кема бор. Бу йил Одра дарёси орқали қарийб 7,5 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилади.

◆ ҚОҲИРА.

Исроил ҳарбийлари Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилида яна бир қонли жиноят қилдилар. МАН агентлигининг хабар беришича, кеча кечқурун босқинчиларнинг ооқчилари фаластинликлар Блата лагерининг аҳолисига қарата автоматлар ва пулемётлардан ўт очганлар. Шу ваҳшийликлардан бир киши ўлди. Маълумки, Исроил босқинчилари Блата лагерининг аҳолисини кўп вақтдан бери ур-йиқит ва таъқиб қилиб келмоқдалар. Улар маҳаллий аҳолини ўз уйи ва ерини бутунлай тарк этишга ва бўшаган жойларда сионистларнинг янги посёлкаларини барпо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

▲ БАЙРУТ.

«Хавфсизлик зонаси» деб аталган ерда жойлашган Исроилнинг узоққа отадиган артиллерияси жанубий Ливандаги Набатия шаҳрини ўққа тутди. Ҳафталик ярмарка ўтаётган гавжум маҳалла ўт ичида қолди. Уч киши ўлди, 22 киши яраланди. Жароҳатланган одамлар касалхонага жўнатилди. Уларнинг бир қисми жуда оғир аҳволда қолди.

◆ БРАЗЗАВИЛЬ.

Бу ерда Конго хотин-қизлари революцион кенгашининг VI съезди очилди. Съезд қатнашчилари миллий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини кўриб чиқмоқдалар. Анжуман ишида Конгодаги барча областларнинг вакиллари, шунингдек Европа, Осиё, Африкадаги бир қанча мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотларининг делегациялари, шу жумладан, совет хотин-қизлари комитетининг делегацияси қатнашмоқдалар.

▲ ДЕҲЛИ.

Покистондаги Равалпинди шаҳрида Покистон президенти Зиё ул Ҳақ АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Шнайдер билан учрашди. Ҳиндистон ЮНИ ахборот агентлигининг хабар беришига қараганда, Исломобод режимига Америка қурол-яроғларининг энг янгисини етказиб беришни кўпайтириш масаласи, шунингдек келгуси беш йилликда Покистонга Америка ҳарбий-иқтисодий ёрдами кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинган. Покистон маъмурияти ҳозир 3,2 миллиард долларга етган ана шу ёрдам ҳажмини анча оширишга уринмоқда.

